

Бўстон тумани

“20” июн 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Бўстон туман Халқ таълими бўлими” номидан Низом асосида иш юритувчи рахбари А.Ахмадалиев бир томондан, ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилидаган “КУРИЛИШ ЮКСАЛИШИ” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи рахбари Р.Комилов иккинчи томондан бўлиб Бўстон туман Баркамол авлод болалар маркази биноси иситиш тизими ва бино-нишоотларини жорий таъмирлаш га доир пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ Бўстон туман Баркамол авлод болалар маркази биноси иситиш тизими ва бино-нишоотларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар умумий қиймати (солиқлар, йигимлар ва ҚҚСларни ҳисобга олган ҳолда) 470 400 000 (Тўрт юз етмиш миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади

2.2. Ишлар қиймати узил кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Кўйидаги ҳоллар мустасно:

-Таъмирлаш қиймати ва муддатини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган (форс – мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-Ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

2.3. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартноманинг 1- чи бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш ва ўз муддатида бажариш ҳамда, ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

3.2. Таъмирлаш майдонига зарур бўлган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Буюртмачи мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларни “Пудратчи” томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг топширилиши учун тўлиқ мулк жавоб беради.

Ишлар бажарилиши устида доимий қурилиш назорати ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш; Шартномага асосан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. Ишларни бажариш муддати

5.1 “Пудратчи” мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2 Ишларни бажариш муддати аванс тўловидан эътиборан 70 кунни ташкил этади.

5.3 Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

6.1 “Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан руйхатдан ўтиб, бюджет маблағлари ҳисобидан булса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори билан белгиланган туловлар кетма кетлигига, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан булса шахсий ҳисоб варақ қолдиққа асосан 5 банк иш қунида ““Буюртмачи” бажарилган иш ёки қўрсатилган хизматнинг умумий суммасининг 30 фоизини бу 141 120 000 (Бир юз қирқ бир миллион бир юз йнгирма минг) сўмни ташкил этади, олдиндан аванс тариқасида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қонунчиликда белгиланган қолган қисми ишлар тўлиқ қабул қилиб олинганидан кейин тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, кейин буюртмачи ўзи истаган усулда тўлаб берилади.

6.2 “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га аванс бериш ва маблағларни тўлаш учун ишларни бажариш ва топшириш далолатномалари асос ҳисобланади. Ишларни қабул қилиш далолатномалари ҳар ойининг охирида “Буюртмачи” ва пудратчи, мазкур таъмирланаётган муассаса раҳбарлари биргалиқда 72 соат мобайнида кўриб чиқилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиши зарур. Кўшимча қилинган ишлар керакли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг қўшимча қелишувга асосан ўтказиб берилади.

7. Ишларни бажариш

7.1 “Буюртмачи” таъмирлаш майдонида ўз вақилини “Техник назоратчи”ни тайинлайди. У “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланадиган материаллар ва асбоб – усқуналар шартнома шартларига мувофиқлигини текширади.

7.2 “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V – бўлимда қўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.3 “Пудратчи” ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб – усқуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида қўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларни сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.

7.4 “Пудратчи” ўзи томонидан бажарилган ишларни сифатига Буюртмачига ва таъмирлаш ишлари бажарилган муассаса раҳбарига қонун ҳужжатларига асосан қафолат беради (Фуқаролик кодексининг 682-моддасига асосан 10 йил). Қафолат муддати таъмирлаш ишлари бажариб бўлинганидан кейин топшириш-қабул қилиш ҳужжатлари расмийлаштирилганидан кейин ўта бошланиши ва қонунчиликда белгиланган қафолат муддатида таъмирлаш ишларида маълум носозликлар аниқланганда Пудратчи буюртмачи ёки муассаса раҳбарининг талабномасини олган қундан 10 кунлик муддат ичида ушбу носозликларни ўз ҳисобидан тўлиқ бартараф этиш лозим.

Агарда пудратчи бино фойдаланишга топширилганидан кейин қафолат муддати давомида юзага келган носозликлар ва камчиликларни буюртмачи ва у фойдаланиш учун топширган учинчи шахслар томонидан нотўғри фойдаланиши ёки фойдаланишни ҳужжатларда белгиланган тартибларига риоя этилмаганлигини исботлаб бермаса пудратчи ўзи жавобгар бўлади ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан талабномани олгандан кейин 10 кун ичида ўз ҳисобидан камчиликларни тўлиқ бартараф этиши шарт.

Буюртмачи қонунчиликда белгиланган қафолат муддатлари давомида пудратчига ушбу таъмирлаш ишлари юзасидан аниқланган камчиликлар ва носозликлар бўйича талабнома билан мурожаат қилади ва пудратчи мурожаатни олгандан кейин 10 кунлик муддатда мазкур камчиликларни тўлиқ ва сифатли тарзда ўз ҳисобидан бартараф этиши шарт.

7.5 “Пудратчи” ўзи томонидан бажарилган ишларни Буюртмачига ва таъмирлаш ишлари бажарилган муассаса раҳбарига қонун ҳужжатларига асосан топшираётганида таъмирлаш ишларида камчиликлар аниқланча пудратчи ўз ҳисобидан ушбу камчиликларни 10 кунлик муддатда тўлиқ сифатли тарзда бартараф этиши шарт.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс – мажор) ҳолатлари.

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб чиқса ва агар ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар ундан ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириши ёки уларни консервация қилиши учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир

9. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1 Объектларни уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” ёзма билдирувдан кейин “Буюртмачи ва Бўстон туман Баркамол авлод болалар бўлими раҳбари” томонидан 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.2 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект “Буюртмачи”нинг мулкига айланади.

10. Шартномани бекор қилиш.

10.1 Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш ишлари бажарилмаганда.

10.2 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.3 Шартнома Газначилик бўлинмаси руйхатидан ўткандан сўнг кучга кириши ва **“31” декабр 2022 йилгача амал қилади**

11. Томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги

11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни тўлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Иқтисодий юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3-сентябридаги “Капитал қурилишда иқтисодий муносабатлари механизмини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 395- сонли қарори (илова 2.3) ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

11.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилаган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларнинг бузилганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридан пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматларнинг 50% ошмаслиги лозим.

11.3 “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05% миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

12. Низоларни ҳал этиш тартиби.

12. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Бўстон туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

ПУДРАТЧИ

"ҚУРИЛИШ ЮКСАЛИШИ" МЧЖ

Манзили: Бўстон тумани, Пиллақор МФЙ, А.Икромов кўча
х/р: 20 20 8000 300 827 540 001

Банк номи: Тошкент ш. АТБ "Кишлоқ қурилиш банк"
Бош амалиётлар бошқармаси

СТИР: 305 204 889 МФО: 01037

Ташкилот раҳбари:

Р.Комилов

БҮЮРТМАЧИ

Бўстон тумани Халқ таълим бўлими


Манзили: Бўстон тумани Гузар МФЙ
Ш/хв: 401722860032097096100075002

СТИР: 200 264 426 МФО: 00014
Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги
ғазначилиги ягона ғазна ҳисоб варағи
х/р 23402000300100001010

Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ, МФО 00014,
СТИР 201122919

Ташкилот раҳбари:

А.Ахмадалиев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№HV36152615

Loyihaning turi

Shartnoma

Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

Loyihaning mazmuni

“Pudratchi” mazkur shartnoma shartlariga muvofiq Buston tuman Barkamol avlod bolalar markazi binosi isitish tizimi va bino-inshootlarini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish majburiyatini oladi. “Buyurtmachi” esa “Pudratchi”ga qurilish ishlarini bajarish uchun zarur sharoitlar yaratish va to'lovlarni amalga oshirish majburiyatlarini oladi.

Bo'ston tuman xalq ta'limi bo'limi

2022 yil «6» iyul

Loyiha amaldagi normativ huquqiy hujjatlarga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «6» iyul

**Bo'ston tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti:**



Sh.O'rmonov